



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

GERМАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайер 2016 йил 30 март куни расмий таширф билан Ўзбекистонга келади.

Таширф дастуридан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув, мамлакатимиз ҳукуматида музокаралар ўтказиш ўрин олган бўлиб, уларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлиси 2016 йил 31 март куни эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатга!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 30 март куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесига рўйхатга олинади.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Ғолибга автоамбуланс топширилди

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида мамлакатимиз тез тиббий ёрдам тизимида ўтказилган аънаваний кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазирасини бажарувчи У.Гўзалов ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар тиббий хизмати жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, замонавий тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва инсон саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. «Соғлом она ва бола йили» давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Бу борада шойлиқ тиббий ёрдам тизими алоҳида ўрин тутди. Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази, унинг минтақавий филиаллари, туман ва шаҳар бўлимлари, икки мингдан зиёд тез тиббий ёрдам шохобчаси ва бригадалари беморларга ўз вақтида ёрдам кўрсатмоқда.

2015 йилда тез тиббий ёрдам ва санитар-авиация хизматига тушган барча мурожаатлар ўз вақтида қаноатлантирилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 21 майдаги «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ўшбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Маъруз қарорга мувофиқ 2009 — 2015 йиллар мобайнида тез тиббий ёрдам бўлимларига тўққиз юзга яқин



махсус автомобил етказиб берилди. Тизимни махсус автотранспорт билан таъминлаш даражаси қарийб юз фоизга етди. Тез тиббий ёрдам станцияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш, янги тиббий технологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Кўрик-танлов якуний натижаларига кўра, Наманган вилоятининг Норин тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам станцияси «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди ва бош соврин — «Дамас» автоамбуланси билан тақдирланди.

Фаргона вилоятининг Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам станцияси шифокори Шўхрат Сирожидинов «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали

шифокори», Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали ҳайдовчиси Жўрақул Хўжаназаров «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси», деб топилди.

Танлов ғолибларига диплом ва қимматбахо совғалар топширилди.

Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири



ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан «Ўзбекистон театр санъати: тараққиёт ва истиқбол» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Унда қайд этилганидек, театрларда ёшлар маънавиятини юксалтириш, бугунги куннинг долзарб масалалари моҳиятини очиб беришга қаратилган саҳна асарлари яратилмоқда. Соғлом она ва бола йилида театр жамоаларининг таълим масканлари билан ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида «Ким эди гу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мавзuida тарихот тадбирларида актёрлар фаол иштирок этмоқда. Пойтахтимиз театрлари мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафарларга чиқмоқда. Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Термизда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари сафарига муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун келган ёш аскарларнинг тانتанали қасамд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, муддатли ҳарбий хизматга қаҳқирлан аскарларнинг ота-оналари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Бугун қабул қилинган ҳарбий қасамдига бир умр содиқ қоламан, — дейди Д.Нарзуллаев. — Ҳарбий қисмда соҳани янада чуқур ўзлаштириш учун барча шароит яратилган. Конституциявий бурчимни ўтаб бўлган, шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттирмоқчиман. Тадбирда чегарачиларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлик бўйича намойиш этган кўргазмали чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тинчлик, Ватан ва садқотни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

КОРАКАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукусда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиш борасида қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада мувофиқлаштириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилайётганини таъкидлашди.

Тадбирда, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда соҳада эришилаётган ютуқлар акс этган кўргазма намойиш этилди.

ЎЗА

Жамоа шартномаси — амалда

Касаба уюшмалари тизимида қизгин жараён — корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг 2015 йилдаги ижроси муҳокамасига бағишланган меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиши ва конференциялари бўлиб ўтмоқда.

Таҳлил этилди, таклифлар инobatга олинди

Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги «Шербодпахта» акциядорлик жамияти жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси муҳокамасида корхона раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот бердилар.

Таъкидланганидек, корхонада меҳнат қилувчи 550 нафар ходим манфаат ва ҳуқуқлари иш берувчи ҳамда касаба уюшма кўмитаси ижтимоий шериклигида ҳимояга олинган. Хусусан, ходимлар даромадини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Дайиқса, меҳнатда жароҳатланган ва касб касалликларининг олдини олиш борасида яхши натижаларга эришиляпти. Бу соҳада қонунийликка, қонун ва йўриқномаларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилган. Хавфсизлик техникасини таъминлаш ва меҳнат муҳофазаси борасида фаоллик кўрсатаётган ходимларни мунтазам равишда касаба уюшма кўмитаси томонидан рағбатлантириб бориш йўлга қўйилган. Ишлар сифати ва самарасини ошириш мақсадида ижтимоий-маиший объектлар ҳолати ва фаолияти доимий назоратда. Ходимлар истаган вақтида касаба уюшма кўмитасига мурожаат этиб, барча масалада ижтимоий, моддий ва маънавий қўмак олиши таъминланмоқда.

»(2).

Туризм

«Юртим, бўйларингдан айланай сенинг!..»

Дунё тамаддунига бешик бўлган кўҳна ва ҳамisha навқирон шаҳарларимизни кўришга нафақат хорижликлар, балки юртдошларимиз ҳам ошиққиди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Касаба-сайр» шўьба корхонаси фуқароларимизнинг бу борадаги талабини қондириш мақсадида кўплаб туристик саёҳатлар ташкил этиб келаётди. Эътиборли жиҳати бу йўналишдаги барча сарф-харажатлар касаба уюшмалари томонидан қоплаб берилаётди. Яқинда навбатдаги ана шундай саёҳат ташкил этилди.

ХОРАЗМ. Тонгги соат олтиларда поезд Урганч вокзалига келиб тўхтади. Фаргона водийсидан ташриф буюрган 400 нафардан зиёд сайёҳлар халқимизга хос меҳмондўстлик билан кутиб олинди. Карнай-сурнай садолари янги тонг саодатини, юртимиз тинчлиги, ободлигини тараннум қилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакиллари меҳмонларни йил сайин обод бўлиб бораётган гўзал Урганч шаҳри томон бошладилар.

— Урганч юртимизнинг гўзал шаҳарларидан бири экан, — дейди андижонлик Гўзалхон Умарова. — Урганчда ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудлари




қатори бунёдкорлик ишлари қизгин давом этаётганига гувоҳ бўляпмиз. Кўзни қўннатадиган янги иморатларга ҳар қадамда дуч келяпмиз. Таълим-тар-

бия масканлари, спорт иншоотлари, шифо муассасаларининг янгидан қурилаётганлиги, қайта таъмирланаётгани келажак эгаларининг муносиб таъ-

лим-тарбия топиб, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом камолга етишини таъминламоқда. Биз шундай озод ва обод Ватанда яшаётганимиз билан фахрланамиз.


Урганчдаги янгилинишлардан кўзлари қувнаб, диллари яйраган сайёҳлар қадимий Хива томон йўлга тушдилар. Бетакрор шаҳарнинг Ичон қалъаси яқинида автобуслар турнақатор бўлиб терилди. Ота дарвоза олдида очик осмон остидаги музей жамоаси меҳмонларни ҳурмат билан кутиб олиб, ичкари бошладилар. Қадим шаҳар билан танишиш осон бўлиши учун кичик гуруҳлар ташкил қилиниб, уларга гидлар бириктирилди. Гид йигит-қизлар меҳмонларни ҳар бир иморат, ҳар бир нақш, хунармандчилик маҳсулотлари билан таништириб, шаҳар тарихи, иморатларнинг бунёд этилиш саналари, хунармандчилик ва миллий анъаналарнинг ривожланиши хусусида атрафлича сўзлаб бердилар.

»(4).



Ёш оилаларга туҳфа

>> 2



Печ алмаштириб берилди

>> 3



Диёрбек барчани энгди

>> 4

«ШИРИН»НИНГ МАЗАЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги «Ширин» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган нон ва қандолат маҳсулотларига истеъмол бозорига талаб катта.



Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада доимий иш билан таъминланган 50 ишчининг ақсарияти касбуна қўлларини битирган ёшлардир.

СУРАТЛАРДА: «Ширин» масъулияти чекланган жамиятида.

ЎЗА фотомухбири
ШОНАЗАР ҚОРИЕВ олган суратлар

Наврўз шукуҳи

Бирдамлик байрами

Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти томонидан Наврўз айёми муносабати билан «Баҳор гули бойчечак, Наврўздан бердинг дарак!» деб номланган тадбир ўтказилди.

Имконияти чекланган инсонларга руҳий тетиклик бағишлаш, хушнуд этиш мақсадида уюштирилган байрам ҳомийларнинг ёрдами билан файзли дастурхон атрофида нишонланди. Саъяткорлар ижросида куй-қўшиқлардан кўнгиллар ором топди.

— Аъзоларимизнинг фаоллиги, интилувчанлиги жуда қувонарли. Истаимизки, яшашга бўлган иштиёқ ҳеч кимни тарк этмасин, — дейди жамият раҳбари Райхон Нурмухамедова.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси Навоий шаҳар кенгаши «Наврўз — кадрларимиз тимсоли» шiori остида қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, корхона, ташкилот, муассасалар, қишлоқ ва гузарларда ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшилдириш ишлари, меҳнат жамоаларида бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий йиғинлар ўтказилди.

Ишчи-ходимлар, ёшлар ўртасида спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар, халқ ўйинлари ташкил этилди. Ташкилот ва муассасаларда ишловчи пенсионер, ногирон, эҳтиёжманд оила вакилларида 20 нафарига озиқ-овқат тўпламлари тарқатилди.

Хусан РАЗОҚОВ,
тармоқ касабаси уюшмаси
Навоий шаҳар
кенгаши раиси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши томонидан тизимда фаолият кўрсатилаётган устозлар ва ишчи-ходимлар учун байрам тадбири ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар Наврўз — миллий қадриятларимиз тимсоли бўлиб, яқинлардан хабар олиш, меҳр кўрсатиш орқали инсонлар руҳиятини кўтариш айёми эканлигини алоҳида таъкидлашди. Қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди. Уқувчиларнинг бадиий чиқишлари барчага хуш кайфият улашди.

Зулфия СОДИКОВА,
10-мактаб бошланғич касабаси
уюшма кўмитаси раиси

Ўқув-семинар

Гулистон академик лицейида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.

Ҳуқуқий маданият сари

Унда давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бир-бирига кенгаши юридик бўлими масъул ходимлари қатнашди.

Тадбирда Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи А.Очилов, юридик фанлар доктори, профессор Б.Тошев лицей ўқувчиларига «Аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш» ҳамда «Аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларнинг кенг тарғибот-ташвиқот қилинишини ташкил этиш масалалари», «Ҳуқуқий тарғибот соҳасида давлат бошқарув

органлари, шунингдек, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг келишилган ҳолда фаолият юритишларини таъминлаш» мавзуларида тушунчалар берди.

Ўқув-семинар очик мулоқот тарзида ўтказилиб, тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрафлича жавоб олишди.


Ш.УМАРАЛИЕВА,
Сирдарё вилояти касабаси уюшма
ташкилотлари бирлашмаси
бўлим мудири

Долзарб вазифага бағишланди

Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандислари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди. ЎзКУФК ташаббуси билан уюштирилган семинарда Федерация Кенгаши, Самарқанд ВКУТБК, меҳнат бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассислари иштирок этди.

Йиғилганларга меҳнатни муҳофаза қилишга оид муносабатлар юзасидан тушунтиришлар берилди. Жумладан, қонун талабларига қўра иш берувчилар, муҳандис-техник ходимлар ва мутахассислар ҳамда ишчи ходимларни

амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида ўқитиш ва соҳага оид билимларини текшириб бориш тўғрисида тушулча берилди. Шунингдек, ходимларнинг хавфсизлик техникаси йўриқлари ва тиббий кўрикдан ўткази-



лиши, иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш зарур экани тушунтирилди. Тадбирда ҳар ойнинг охири жума куни корхоналарда «Меҳнатни муҳофаза қилиш куни»ни ташкил этиш ва ўтказишга келишиб олинди.

Ўқув-семинар қизгин савол-жавоб ва фикр алмашув тарзида ўтди.

Меҳнатни муҳофаза
қилиш бўлими

Хушxabар

Ёш оилаларга тухфа

Навоий вилоятининг Карман туманида ёш оилалар учун қуриб битказилган «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди.

Тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқиб, жойларда кўп қаватли «Камолот» уйлари қурилиб, ижтимоий фаол ёш оилаларга имтиёзли кредит эвазига, бошланғич бадалсиз берилаётгани мамлакатимизда ёшларга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг намунаси эканлигини таъкидлаб ўтди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда вилоятда ҳар

бири 32 хонадондан иборат бўлган яна 3 та тураржой биноси қуриб битказилади.

— Бу мен ва оилам учун ҳақиқий байрам тухфаси бўлди. Хоналар шинам ва ёруғ, барча шароитлар ҳавас қилгули. Энди оилам билан шундай замонавий уйда истиқомат қилишимни ўйлаб, қувончим ичимга сиймай кетаяпти. Бундай ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдираман, — дейди янги уй соҳибига, «Ниҳол» муҳофоти совричдори Шерзод Шодиев.

Янги уйлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тавсиясига қўра турли соҳаларда ютуқларга эришган фаол ёш оилаларга берилди.

Руслан САБУРОВ,
«Ishonch» мухбири

Таҳлил этилди, таклифлар инобатга олинди

№(1).

Жамоа шартномасига асосан ўтган йил давомида корхонада ходимларга белгиланган тартибда тегишли имтиёзлар қўлланилган. Мухими, ходимларга муносиб меҳнат шaroитлари яратилган. Хусусан, жамоа шартномасига мувофиқ, ҳар йили тузиладиган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Битимга биноан иш ўринлари ҳолати назоратга олиниб, хавфсизлик техникасини кучайтириш юзасидан тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ноқулай меҳнат шaroитида ишлайдиган ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари, шунингдек, ювиш ва зарарсизлантириш воситалари билан таъминлиб, мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказилишларига эришилаётди.

Корхона касабаси уюшма кўмитаси томонидан ҳар ойда ва чорак давомида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси йўналиши бўйича режа асосида ўқув машғулотлари ўтказиш йўлга қўйилган. Ишчи-хизматчилар учун майиш хоналар, бепул сут маҳсулотлари, уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.

Ўтган даврда маданий-оммавий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. «Маънавият соати» ташкил этилиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳияти мунтазам равишда тушутириб борилаётгани. Шунингдек, олимлар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилаётди. Ходимлар жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этилиб, соғлом турмуш тарзи барқарорлиги

таъминланмоқда. Хусусан, ўтган йилда 20 га яқин ходимга соғлигини мустаҳкамлаш учун касабаси уюшмалари тизимидаги «Ботаника», «Бўстон» каби санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларга саёхатлар уюштирилди.

«Шерободпахта» АЖ тасарруфидаги «Вандоб олтин булоғи» номли болалар оромгоҳининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, унда меҳнаткашлар фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқаришлари масалалари ҳам касабаси уюшмаси ва иш берувчи эътиборида. Мазкур оромгоҳда ўтган йили қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ёзги мавсумда ходимларнинг 600 нафар фарзанди дам олдирилди. Ишчи-хизматчиларнинг 135 нафар фарзанди эса бепул соғломлаштирилди. Аъзоларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда уларни спортга жалб этиш мақсадида спорт майдончалари фаолияти йўлга қўйилиб, шахмат, шашка, футбол ва волейбол мусобақалари ўтказиш аниёнага айлантилди.

Конференцияда делегатлар, меҳнаткашлар ва касабаси уюшма фаоллари жамоа шартномаси орқали ходимлар манфаатлари ҳимояси қай даражада таъминланаётгани тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, касабаси уюшма аъзолари томонидан жамоа шартномасига Соғлом она ва бола йили муносабати билан бир қатор қўшимча имтиёзлар киритиш бўйича билдирилган таклифлар маъқулланди.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабаси
уюшмалари Федерацияси Кенгаши
Матбуот хизмати раҳбари

Муносиб ижтимоий ҳимоя

«Қарши ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятида 2015 — 2018 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2015 йилда бажарилиши юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

595 нафар ходим ишлайдиган корхонада ходимлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш учун иш берувчи ҳамда касабаси уюшма кўмитаси томонидан қатор ишлар амалга оширилган. Бунга касабаси уюшма Шоди Тошнйёзов мавзусида ҳам алоҳида урғу берилди.

— Ўтган йилда корхона ишчилари, пенсионерлар, ҳомийликдаги ногиронлар ва бошқа мурожаат қилувчилардан 76 та ариза тушди, — деди Ш.Тошнйёзов. — Уларнинг ақсарияти ижобий ҳал этилди. 12 нафар ходимнинг корхона ички тартиб-қоидалари ва меҳнат интизомига оид масаласида касабаси уюшма кўмитасида муҳокама этилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя қилинди.

Маъмурий ва касабаси уюшма кўмитаси асосий эътиборини ишчилар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун етарлича шарт-шaroит яратиш берилди.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан

хавфсизлик техникаси талабларига мослаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ва самарадорлиқни ошириш соҳасида олиб борилган ишлар, иختиरोчилик таклифлари ҳам рағбатлантириб борила-япти.

Меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касабаси-тур» веломарафонининг шаҳар ва вилоят бўлимида бир гуруҳ ходимлар қатнашиб, голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ишчилар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида ҳар йили шаҳар миқёсида марказлаштирилган оилавий мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Ёзги таътил даврида ходимларнинг 159 нафар ўғил-қизи корхона ҳисобидан бепул соғломлаштирилди.

Музокаралар жараёнида иш берувчи ва касабаси уюшма кўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, жамоа шартномасига қатор қўшимчалар киритиш таклифлари билдирилди.

Ақмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Дикқат, танлов давом этмоқда!

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намойиш этишлари учун шароит яратиб ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3-май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 31 мартдан 2016 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқала эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун куйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўрақ нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўрақ нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўрақ нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўрақ нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

Энг яхши фоторепортаж; Энг яхши матбуот хизмати. Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, танловда республика миқдорида бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонда-

ги ваколатхоналари куйидаги рағбатлантирувчи номинацияларда ўз мукофотларини таъсис этганлар:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси — «Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар фаолияти ёритилган энг яхши материаллар учун».

2. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши — 2 та номинация:

а) «Соғлом она ва бола йили» мавзудида энг яхши материал учун».

б) «Ижтимоий шериклик мавзудида энг яхши материал учун».

3. Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди — 2 та номинация:

а) «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини кенг ва самарали ёритгани учун».

б) «Энг яхши тахлилий-танқидий материал учун».

4. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси — «Орол денгизи ҳудудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли».

5. БМТнинг Ахборот офиси — «Энг яхши ёшлар интернет наشري».

6. «Худудий мулоқот» (Словения) — «Конун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун».

7. ЮСАИДнинг Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш бўйича дастури — «Сил касаллигига қарши кураш масалалари ёритилган энг яхши материаллар учун».

8. Германия Халқ университетлари DVV International халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси — «Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВдаги энг яхши материал учун».

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай қуринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Радиоэшитиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга куйидагилар илова қилиниши лозим:

Муаллиф ҳақида маълумотнома (объектив-ка);

муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни «Туркстон» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб қўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.

Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87
www.Journalist.uz

Савол беринг — жавоб берамиз

Савол: Меҳнат таътилига чиқишда кимларга ва қандай имтиёзлар белгиланган. Таътилга чиқиш қонунда қай тартибда амалга оширилиши керак?

О.ДАМИНОВ,
Бектемир тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 144-моддасига асосан йиллик таътиллари бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланган ҳақда мувофиқ белгиланади. Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Баъзи ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши юзасидан имтиёзлар белгиланган. Жумладан, ўн тўрт ёшга тўлмаган бир нафар ёки ундан ортиқ болани ва ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаган ёки ёшга тўлмаган онага ва муқимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши юзасидан имтиёзлар белгиланган. Жумладан, ўн тўрт ёшга тўлмаган бир нафар ёки ундан ортиқ болани ва ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаган ёки ёшга тўлмаган онага ва муқимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши юзасидан имтиёзлар белгиланган.

— 1 ва 2-гуруҳ ногиронларига;
— 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
— Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
— Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитганларга;
— Жамоа шартномаси, келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади. Таътидан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ҳам ўзгартирилиши мумкинлиги белгиланган.

Муқаддам
АБДУҚОДИРОВА,
хуқуқшунос

Фикр

Оила — мўъжаз жамият

Фарзанд — оила қувончи, она — хонадон фариштаси. Улар саломатлиги кўнглимиз хотиржамлиги, ҳаюватидир. Азалдан халқимиз бола-нинг дунёга келиши, унинг парвариши ва таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратган. Узро меҳр-оқибат туйғулари шакллантириш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, эл ишига камарбаста, ваппанарвар, жисмонан чиниққан ва маънан етук авлодни камол топтириш миллий менталитет ва умрбоқий кадрларимиз асосини ташкил этади.

Мамлакатимизнинг тобора файзли бўлиб бораётгани ҳам, айтиш мумкинки, ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон манфаатлари учунлигининг яна бир амалдаги исботидир. Оила мўъжазгина бир жамият бўлиб, бинобарин, талаб ва мажбуриятлар ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Оилалар мустақкам бўлмаган жамият охири оқибат ҳалокатга маҳкумдир. Лекин жамиятнинг ҳам оиладан ўз сўрвали бор, яъни жамият оиланинг пок бўлишини талаб этади, демак, бу талабга бўйсуниб ке-

рак. Жамият оиладан оқил фарзанд тарбиясини талаб этади, демак, бу талаб ҳам сўзсиз бажарилиши зарур. Республикада шундай фарзандлар турмуши қуриши Оила кодексига асосан эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш қилиб белгиланган. Далилларга асосланган тиббиёт хулосалари бўйича оила қуриш учун энг қулай давр қизлар учун 20-24 ёш, йигитлар учун 24-26 ёш ва уларнинг ёши орасидаги фарқ 3-6 ёшгача бўлгани маъқул. Аввало, йигит ва қизларимиз турмуш қуришдан олдин тиб-

бий кўриқдан ўтишлари лозим.

Бу ирсий касалликларнинг олдин олимда муҳим аҳамиятга эга. Яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар ирсий касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар сирасига киради. Бундай оилаларда кўпинча ақлий ва жисмоний нуқсонли болалар туғилади. Шунингдек, спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган, тамаки чекувчи ва гивҳандликка ружў қўйган оилаларда туғма нуқсонли ва ақли заиф фарзандлар дунёга келиши мумкин.

Оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит моҳиятини белгилашда эр-хотиннинг ўз фарзандларига, ота-онасига, қўшниларига муносабати, шунингдек, ҳар бирининг ўз вазифаси, бурч ва масъулиятини нечоғлиқ англаб етиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу жа-



Гулноза ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
3-ДНИ нотариуси

раёнда ўзбек оилаларида шаклланган кадрларга қараганда: болаларга меҳрибонлик, кексаларга ҳурмат, қўни-қўшин ёки маҳалла-кўй билан, демакки, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиб яшаш, ёш авлодни одобли ва ахлоқли қилиб тарбиялаш, уларда меҳнатсеварлик, ҳалоллик, самимийлик, табиати севиш ва муҳофаза этишга шайлиқ туйғулари тарбиялаш жуда муҳимдир.

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатиغا!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига куйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, А.Қаҳор кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган «Landshaft Dizayn Markazi» Давлат унитар корхонаси.

Бошлангич нархи — 72 668 300 сўм.

Балансда сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги. Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Авишаҳарча кўчаси, 75-уй манзилида жойлашган «O'rta Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси.

Бошлангич нархи — 505 182 000 сўм.

Балансда сакловчи: «O'rta Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси.

Фаолияти ихтисоси: Республика бўйича халқ ҳўжалиги объектларида бурғулаш, портлатиш ва махсус ишлар бажарувчи 1-, 2-, 4-, 5 махсус механизацияланган кўчма жамланмаларнинг ишларини назорат ва мувофиқлаштириш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1- «А» уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: neltssavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 15 апрел кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1- «А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 2-, 18 май, 2-, 17 июн кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотдан шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг куйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Савдон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга бюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунин савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ БОШҚАРМАСИ 2016 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№ п/п	Объект номи	Бошлангич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошлангич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Сардоба тумани Истиқлол сув истеъмолчилари уюшмасидан сугорилган ерларни сув билан таъминлашни охириги мақсадида 1,28 км янги лоток тармоғи қуриш ишлари	323 735 284 сўм	269 779 403 сўм	90 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Сирдарё вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш махсус ҳисоб рақами маблағлари.

Бюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, 2 мавзё, Мустақиллик кўчаси, 16-уй.

Телефон: (0-367) 225-47-10

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамда танлов савдолари предметни қийматининг камида 20 фоз миқдордаги айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк қаралган бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳўқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тақрибли ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

— **марказлаштирилган қилинган қўйилмалари ҳисобидан молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари ростирига киритилган ташкилотлар қўйилади.**

— бошлангич қиймати 500,0 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этади, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун куйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қиличлар қонунга мувофиқ қўйишга қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўйишга қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тел (факс): (0-3672) 27-64-42. Бир тўплама танлов ҳужжатларининг нархи — 87 960 сўм.


Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати оферталар очилиш кунин ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

Истеъмолчи ҳўқуқи

Навбахор туман истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига фуқаро М.Турдиева Бешрабат буюм бозоридан сотиб олган электрорепечи кўп ўтмай ишдан чиққанидан норози бўлиб мурожаат қилди.


ПЕЧ АЛМАШТИРИБ БЕРИЛДИ



Маълум бўлишича, истеъмолчи печни дўконга қайтариб олиб борган. Бироқ сотувчи нуқсонли товарни қайтариб олиш ёки бошқасига алмаштириб беришдан бош торган. Жамият маъсул ходимларининг аралашуви билан истеъмолчи талаби қондирилиб, олган нуқсонли жиҳоз бошқасига алмаштириб берилди. Дўкон сотувчисига «Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари тушунтирилди.

ЯРОҚСИЗ КОНДИЦИОНЕР

Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи Ш.Ахназаров 1 миллион 748 минг сўмга кондиционер сотиб олди. Бироқ ускунани ўрнатгач, ҳафсаласи пир бўлди. Қарангки, яп-янги кондиционер яроқсиз бўлиб қидди.




Фирма устахонасида бир неча марта таъмирланишига қарамай, ундан фойдаланишнинг сира иложи бўлмади. Хуноби чиққан фуқаро носоз техникани дўконга қайтариб олиб бор

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

«Юртим, бўйларингдан айланай сенинг!..»

✦(1).
— Эртақмонанд шаҳар билан яқиндан танишдик, — дейди Фаргона вилояти Қува туманидаги 52-мактаб директори Хайринисо Самихонова. — Тарихни яна бир бор ўргандик. Буюк аждодларимизни эсладик. Водийга қайтгач, буларни ҳамкасбларга, ўқувчиларга сўзлаб берамиз. Ўзбекистонимиз чинакам жаннатмонанд юрт. Унинг ҳар бир шаҳри, қишлоғи бориб кўришга арзийди.



Шу кунги меҳмонлар шаҳарнинг асрлардан сўзлагувчи тарихий бинолари, кутлуғ қадамжолари, истиқлол туфайли бунёд этилган замонавий иншоотлари, гўзал боғлари, хушманзара табиат қўнидаги дам олиш масканлари билан танишдилар. Чунончи, Исмоил Сомоний ва Чашмаи Аюб мақбаралари, Арқ қўргони, Минораи Қалон, Лаби ховуз, Боло Масжид, Ситорайи Моҳи Хоса мажмуи каби ноёб ёдгорликлар, шунингдек, мамлакатимиз раҳбари тақлифи ва ташаббуси билан бунёд этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи, йирик спорт иншоотлари, кўркам уй-жойлар, кенг ва раван йўллар, ўқув масканлари, меҳмонхоналар сайёҳларни хайратга солди.

Ю.УСМОНОВА, Учқўприк туман туғруқхонаси дояси:
— Муассасамиз касабга уюшма қўмитаси раиси Бухорога саёҳат ташкил этилаётганини айтганда жуда ҳам қувониб кетдим. Очиги, шу пайтгача бу қадим шаҳарда бўлиш орзуси бор эди. Боз устига, баҳорги таътилда бўлган 30

эшитдик. Улар ўз ўрнида саёҳатни уюштирган «Касаба-сайр» ташкилоти ходимлари ҳам миннатдорлик изхор этишди.

САМАРҚАНД. Касаба уюшмалари ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» давлат дастури доирасида юртимиз бўйлаб саёҳатга олиб чиқилган турли касб эгалари, кексалар, меҳнат фахрийларидан иборат саёҳатчилар гуруҳи Самарқанд темир йўл вокзалида тантанали кутиб олинди.

Таъкидлаш жоиз, бу заминга қадам босган киши зиёратни, энг аввало, ҳадис илмининг султони, буюк бобоқалонимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари қадамжосидан бошлайди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Бу маскан кишига руҳий қувват бераркан, — дейди Қўқон юкумили касалликлар шифохонаси ҳамшираси Одинахон Эгамбердиева. — Зиёратгоҳдаги саранжом-сарихонлар, фойз бизга жуда манзур бўлди.

Регистон майдони, «Йўлбарслар хиёбони», Амир Темур мақбараси, шунингдек, Мирзо Улуғбек, Спитамен шох кўчаларидаги бунёдкорлик ишлари сайёҳларда катта таассурот қолдирди.

— Саёҳат баҳонасида диёримиз фахри бўлган қадимий ва навқирон шаҳарлар билан танишишга муюсар бўлдик, — дейди Норин туман ТТБ марказий туғруқхонаси акушер-гинеколог Тожихон Мўйдинова. — Аждодларимиз барпо этган обидалар, қолаверса, бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлиш кишига ўзгача завқ бағишларкан. Ватанимизнинг ҳар бир гўшасини кўриб кўзинг қувонади, меҳринг қонади. Бу саёҳат бир умр ёдимизда қолади.

Ўз мухбирларимиз

Саломатлик сабоқлари

Фарзанд кутаётган аёлда турли ўзгаришлар кузатилиши табиий. Ҳомила шаклланиши мобайнида тана оғирлиги ортиб боришини ҳисобга олсак, ҳаракатсизлик, тез-тез чарчаш, ҳолсизлишни туфайли бўлажак она ўзини анча оғир ҳис этади. Хали биринчи фарзандини дунёга келтирмаган ёш аёл учун жисмоний машқлар билан шуғулланиш ҳомила учун хавфлидек туюлиши мумкин. Бироқ ҳафтаига 2-3 марталик мунтазам жисмоний машқлар танадаги ортқича зўриқниш йўқотиб, руҳий энгиллик бахш этиши тиббиётда исботланган. Ҳомиладорлик даврида бўлажак онанинг руҳан ва жисмонан саломатлигига эътибор жуда муҳим. Бу борада мутахассисларнинг фикри қандай?

Ҳомиладор аёл учун

соғлом ва жўшқин ҳаёт тарзи жуда муҳим

Зилола ИНОЯТОВА, олий тоифали гинеколог шифокор:

— Ҳомиладорга касал аёлга қарагандай муомила қилиш нотўғри. Бу касаллик эмас, балки ҳар бир аёл ҳаётидаги муҳим меърият табиий жараён. Аёл ҳомиладорлигини билгандан бошлаб ўз вазини аниқлаб бориши зарур. Улар учун мўлжалланган гимнастик машқлар эса туғилажак бола ва она саломатлигини яхшилашга хизмат қилади. Бу даврда жисмоний машқ танадаги мушакларни мустаҳкамлайди. Юриш, сузиш, даволоччи жисмоний тарбия, фитбол гимнастикаси, пилатес ва йога каби оптимал машқ турлари ҳомиладорликнинг энгил ўтишини таъминлайди. Айниқса, дастлабки 12 ҳафта боланинг жисмоний ривожланиши учун муҳим давр. Фаол физиологик машқлар уларни туғруқ даврига тайёрлаб, асоратсиз ўтказишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, жисмоний машқлар ҳомиладор аёлнинг қорин мушкулларини ривожлантиради. Масалан, эрталаб туриб микрогимнастика, кун давомида исталган қўлай пайтда эса асосий гимнастика машқини бажариши мумкин. Ҳомиладорликнинг 20-ҳафтадан кейин кунига 6-8 марта буйраклар учун махсус гимнастика машғуллари тавсия этилади. Бойси, ҳомила катта бўлгани сайин буйракни эза бошлайди. «Тизза-тирсак» ҳолатидаги содда эмаллаб юрвчи машқ эса она соғлигига яхши таъсир кўрсатади. Уни ҳафтаига 2-3 марта 15 дақиқадан олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу жараён оқданда ишларни қамайтиради. Мухими, машқлар мажмуи ҳомиладорлик даврига жуда яхши мослаштирилган бўлиб, барча ҳаракат оҳиста, секин бажарилади.

Аёл гимнастик машқларни мунтазам ва тўғри бажарса, тез-тез кузатилувчи бош оғригидан фориг бўлади, токсикоз даври энгил кечади, ортқича жисмоний ҳаракатлардан чарчаш бўлмайди. Улар доимо ўзини руҳан тетик ва хуш кайфиятда ҳис этади.

Одатда аксарият ёш оналар жисмоний машқлар болага зарар етказиб қўйишдан чўчиб, кам ҳаракат қилади. Аммо ҳомила шаклланишининг биринчи ойданоқ жисмоний машқлар билан шу-

ғулланиш жуда фойдали. Фақат машқни бажарганда умуртқани хаддан ташқари букмаслик керак. Жисмоний машқлар туфайли ҳомила тушиш хавфи кузатилмайди. Аксинча, тана қувват тўплаб бўлажак онани туғруққа тайёрлаб боради. Айниқса, нафасни чуқур олиб, чиқариш усулидаги машқ жуда фойдали. У қонга ксилород етиб беришини энгиллаштириб, қон айланишини яхшилайдди. Анемия ва ҳомиладорлик даврида оғир кечганда энгил нафас гимнастикаси ниҳоятда самарали таъсир кўчига эга.

Шунингдек, бу даврда ортқича қон талаб қилувчи айрим машқлар болага зиён етказиб қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳомиладорларга сакраш, қоринни букувчи (пресс), кескин айланма ҳаракатлар, кросс югуриш каби танани ортқича зўриқтирувчи шиддатли машқлар тавсия этилмайди. Аёл жисмоний машқларни ўзининг кайфияти, физиологик ҳолатидан келиб чиқиб бажариши керак. Табиийки, ҳар бир машқ шифокор назорати ва кузатуви асосида олиб борилиши зарур. Сабаби, ҳар бир аёл организмни индивидуал хусусиятга эга бўлиб, кимгадир қайсибир машқ тавсия этилса, баъзилари таққиланади. Умуман олганда, жўшқин ва соғлом турмуш тарзи боланинг он қорнида соғлом ривожланишига ёрдам беради.

Меҳринисо ОЛГУН, мураббий-инструктор:
— Ҳомиладорлик даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш она ва бола саломатлиги учун жуда фойдали бўлиб, у оёқ ва қўл мушакларини чидамли қилиб шакллантиради. Интенсив тусда олиб бориладган машқлар ҳомиладорнинг ривожланишига яхши таъсир кўрсатади. Аёлни туғруққа жисмонан ва руҳан тайёрлайди. Машқлар туфайли туғруқдан сўнг она организмни олдинги ҳолатини тезда тиклаб олади.

Ҳомиладорликнинг осон ўтишида жисмоний машқлар алоҳида ўрин тутади. Бу даврда организм анча бўшашиб, танада релаксин моддаси кўп миқдорда ишлаб чиқарилгани боис бўғим ва пайлар бўша бошлайди. Релаксация усулидаги машқлар эса танадаги оғирлиқни энгил-

лаштириб, уни идора қилиш қобилиятини ривожлантиради. Бундай машқлар бошқа турдаги гимнастика билан уйғунлаштириб олиб боришса, таъсири дарров сезилади. Бирдан оғир турдаги машқ билан гимнастикани бошлаш танани ортқича зўриқтириши мумкин. Дастлаб 10 дақиқа киздирувчи, 5 дақиқа асосий гимнастика, 10 дақиқа дам олдирувчи машқлар билан гимнастикани олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунда танага тушган жисмоний оғирлик энгиллашади. Машқни бажариш жараёнида ҳомиладор аёлнинг юрак уриши, қон босими, тана ҳароратининг ўзгаришига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Агар аёл машқларни бажариш жараёнида тез-тез чарчаб қолса, унда киздирувчи машқлар билан чегараланиш лозим.

Машғулотдан 15 дақиқа олдин энгил танаовул қилиб олиш зарур. Оч қоринга шуғулланиб бўлмайди. Спорт кийими қўлай, ҳаво ўтказувчан материалдан тайёрланган бўлиши керак. Ҳар қандай машқ тўғри ва мунтазам олиб боришга, самарали таъсир кўчига эга. Оҳиста ҳаракатли элементлардан иборат машқлар юрак фаолиятини яхшилаб, ҳомиладор аёл танасини энгилувчан, эластик қилади. Жумладан, классик йоганинг оҳиста машқлари жуда фойдали. Энгил йога машқлари руҳият ва ўзига ишончини мустаҳкамлайди. Пилатес, яъни тўғри нафас олиш техникасини ўргатувчи машқлар комплекси эса анча заифлашган мушакларга ижобий таъсир кўрсатади. Бу фитнеснинг шундай оптимал, замонавий йўналишики, унда юрак ортқича зўриқмайди, аксинча, машқ она танасидаги мушакларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фитбол коптоғиди гимнастика она танасини тонус ҳолатида тутади. Фитбол коптоғи бўлгуси онага нафақат бутун ҳомиладорлик пайтида, балки туғруқ дарди тутаётган вақтда ҳам яхши ёрдамчига айланиши мумкин. Сузиш машғулоти эса оёқ ва қўл мушакларини мустаҳкамлаб юрак ва нафас олиш тизимини яхшилайдди. Вазни оғирлашиб бораётган аёлга руҳан энгиллик бахш этади. Бу даврда қўллаб аёллар аквааэробика билан шуғулланиши хуш кўради. Аквааэробика умумий гимнастик машқлари сувда амалга ошириш кўзда тутилади. Уни ҳомиладорнинг 1-3 ойлик даврига қадар бажариш мумкин. Машқлар оёқ шишларини қамайтиришга ёрдам беради. Тоза ҳавода бир неча соат пийда сайр қилиш ҳомиладор аёлнинг юрак-қон томир тизимига ижобий таъсир этади. Аёл ўзини эркин ва бардам сеза бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳомиладорлик даврида жисмоний машқ ва гимнастика билан шуғулланиш ёш онанинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиб, соғлом фарзандни дунёга келтиришга хизмат қилади. Зеро, она ўз қўлида миллат бешигини тебратлади. У соғлом экан, фарзандлар ҳам соғлом ва баркамол бўлиб улғаяди.

Одина ҚУЛМУРОВА

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ВЕЛОСПОРТ

Самарқандда 1999 — 2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида велоспортнинг шоссё йўналиши бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати якунланди. Ўзбекистон велоспорт Федерацияси, ЎзКУФК ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 15 жамоа таркибиде 100 га яқин спортчи иштирок этди.

ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТ



Касаба уюшмалари тасарруфидеги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси ҳудудида чемпионат очилишига бағишланган тантанали тадбирда вилоят касабга уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда раиси Маҳмуд Бобоев ва бошқалар спортчиларга юксак натижа ва омад тилади.

Тўрт кун мобайнида мухлислар мурасасиз бахсларга шоҳид бўлдилар. Биринчи босқич, Афросиёб айланма йўли орқали 7 км.лик масофа, иккинчи босқичда «Даҳбед — Челақ» йўли бўйлаб 60 км.лик масофа, учинчи ва тўртинчи босқичларда Самарқанд тумани бўйлаб 90 км.лик масофада пойғалар бўлиб ўтди. Беллашувларни биринчи тоифали ҳакам Владимир Шкирко ҳамда ҳалқаро тоифадаги ҳакам Рашид Мирзақуллов бошчилигидаги ҳакамлар жамоаси баҳолаб борди.

Илк босқичда Археология институтидан Мирзо Улуғбек майдонидага булган раван йўлда маҳорат, чапдастлик ўртасидаги баҳсда пешқадамлар аниқланди. Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси Даниел Евдакимов биринчи бўлиб марра чизигини кесиб ўтди. Иккинчи ўрин Никита Чернов, учинчи ўрин Марат Суляевга насиб этди. Чемпионатнинг иккинчи босқичида чирчиқлик Марат Суляев барчадан устун келиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга эришди. Унинг ҳамюртлари Даниел Евдакимов ҳамда Никита Чернов кейинги ўринларни эгаллашди.

Кейинги босқичлар ҳам қизиқarli кечди. Бу турда ҳам Тошкент вилояти вакиллари трассада яққол устунликларини намойиш этишди. Кейинги икки турда ҳам ушбу вилоят вакилларининг қўли баланд келди. Учунчи турда Темур Ширинов, Даниел Евдакимов мамлакат чемпиони деган шарафли

ном эгасига айланди. Мамлакат чемпионати якунига бағишланган тадбир Самарқанд тумани «Конгил» маҳалласидаги Республика иттиҳослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабиде ўтказилди. Чемпионлар ташкилотчиларнинг дипломи ҳамда совриллари билан тақдирланди.

Владимир Шкирко, чемпионат бош ҳаками:

— Мамлакатимизда велоспорт кундан-кунга ривожланиб бораётир. Энг муҳими, унга қизиқиш ортиб бормоқда. Бу йилги чемпионатда барча вилоятлардан вакилларнинг иштирок этгани, уларнинг ҳар бири қизгин ҳозирлик кўргани мусобақа мобайнида яққол кузатилди. Эътироф этиш даркор, чемпионат давомида Тошкент вилоятида спортнинг бу турига катта эътибор қаратилгани сезилиб турди. Уйлаيمانки, кейинги мусобақаларда бошқа вилоят вакиллари ҳам ортда қолмасликка интилишади.

Даниел Евдакимов, чемпион:

— Биз тахсил олаётган иттиҳослашган коллежда велоспортга катта эътибор қаратилади. Қатор йиллардирки, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаяпман. Бу йилги чемпионатга ҳам пухта тарадул кўрдим. Меҳнатларим зое кетмади.

Марат Суляев, чемпион:

— Чемпионатнинг Самарқандда ташкил этилгани кўнгилдаги иш бўлди. Қадимий шаҳар билан яқиндан танишиш имкони туғилди. Чемпионат қатнашчиларига барча шарт-шароит яратиб берилгани ҳам эътирофга лойиқ. Гапнинг очиги, қадимий диёрнинг ҳавоси хуш ёқди шекилли, икки карра совриндор бўлдим. Бу мен учун унутулмас воқеа.

Никита Чернов, чемпионат совриндори:


— Гарчанд мутлақ ғолиб бўлмаганда, совриндорлар қаторидан жой олдим. Чемпионатга келган турли вилоят вакиллари билан танишдим. Улар орасидан дўстлар орттирдим. Насиб этса кейинги чемпионатда, албатта, шоҳусланинг энг юқорисини эгаллайман.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Тунисда паралимпиячилар ўртасида Гран-при туркумига кирувчи йирик ҳалқаро мусобақа ниҳоясига етди. Ушбу нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган олти нафар спортчимизнинг барчаси олтин медалга сазовор бўлди.

ОЛТИ ОЛТИН МЕДАЛ



Жумладан, Фаррух Мирзақуллов, Дониёр Солиев (узунликка сакраш),

ДЗЮДО

Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик ҳалқаро турнир ўтказилди.

ДИЁРБЕК БАРЧАНИ ЕНГДИ

Дунёнинг 67 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган мусобақада XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очколар ҳам ўлланланди.



Эътиборлиси, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган олти нафар полвонимиздан Диёрбек Урозбоев (-60 кг.) олтин медалга сазовор бўлди.

Диёрбек саралаш босқичида Артем Аршански (Исроил), Арам Григорян (Россия) ва Янислав Герчев (Болгария) ларни мағлуб этиб, ярим финалда қирғизистонлик Отар Бестаевни, ҳал қилувчи финал Амалашувида эса Мўғулистон вакили Амартувшин Дашдавани мағлубиятга учратди.

Эслайтиб ўтамиз, мазкур Гран-при турнирида Ватанимиз шарафини Ди-

ёрбек Урозбоев (-60 кг.), Мирали Шарипов (-73 кг.), Дилшод Чориев (-90 кг.), Соиб Курбанов (-1100 кг.), Элёр Маширипов (+100 кг.) ва Гулноза Матниёзова (-70 кг.) ҳимоя қилдилар.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huuq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftonang seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahrirovchi nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDDIPLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
J.Ergashev
Musahhhil:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Boshiga topshirish vaqti — 20:35
Topshirildi — 21:20

1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasnasida chop etildi.
Korxonana manzili:
Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalanadi.
Gazeta o'zbek usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma G — 315.
22734 nusxada bosiladi.
Nash ko'rsatkichi: 133